



2016 у.г. « 5 » *феврал* № *185-к* Самарқанд т.-р. Самарқанд

**Фуқаро Искандаров Тўрабекга савдо мажмуаси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 18 февралдаги 142-сонли хулосаси, “Қишлоққурилишлойиха” институтининг 2015 йил 31 декабрдаги 12-15/35-725 сонли хулосаси ҳамда фуқаро Искандаров Тўрабекнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. МЧ “Навруз-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 232 контуридан Фуқаро Искандаров Тўрабекга савдо мажмуаси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриш учун жами 0,05 га (шундан: 0,05 га ўзига тегишли бўлган ижтимоий бино ва ховли ерлари хисобидан) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

4. Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Искандаров Тўрабекга топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров